ЯҲШИЛИК ҚОЛАДИ

САХОВАТ

САМАРҚАНД. Агар ҳар бир инсон кимгадир нафим тегса деган эзгу ниятда бўларкан, савобга доҳил деяверинг. Челак туманидаги «Мустақиллик» маҳалласида замонавий усулда қурилган Маънавият маркази ҳам ана шундай хайрли тадбирлар сирасига киради. Хўш, иқтисодий аҳволи ночор бўлиб турган Пиримқул Нурмонов номли ижара хўжалигида қандай қилиб бунга эришилди. Гап шундаки, ишбилармон Баҳриддин Ёқубов ўз ҳисобидан ҳамқишлоқлари учун ҳашаматли кошона қурдириб, «олтин» ўрнига дуо олди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН ОБУНА

ТАШАББУС

ФАРҒОНА. Бешариқ туманидаги «Дўстлик» ширкатлар уюшмаси ҳамда ЎзХДПнинг мазкур уюшмадаги бошланғич ташкилоти қўшма йиғилиш ўтказди. Йиғилишда шу йилнинг иккинчи ярми учун «Ўзбекистон овози» газетасига обуна уюштириш масаласи муҳокама қилинди. Уюшмада икки ярим мингга яқин киши меҳнат қилади. Йиғилиш қарорига кўра 26 пахтачилик бригадаси, 9 ширкат, 7 болалар боғчаси меҳнат жамоаларини газетага хўжалик ҳисобидан обуна қилишга аҳд қилинди. Бу ташаббус тумандаги бошқа хўжаликларда ҳам маъқулланмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ

МУРОҚИЙЛАРГА СОВҒА УЛАШИБ

ЭЪТИБОР

ТОШКЕНТ. Республика Меҳршавқат ва саломатлик ҳамда Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармалари ташаббуси билан фахрий отахон ва онахонлар кўнглини овлаш тадбири уюштирилди. Унда Давлат тиббиёт институти ректори, профессор Т. Даминов, фахрийлардан шифокор Муқаддам Ашраповалар сўзга чиқишиб, меҳнат ва уруш фахрийларига кўрсатилаётган эътибор учун тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдирди. Шунингдек «Биродарлик қабристони»да хотирлаш ва қадрлаш билан боғлиқ савобли ишлар амалга оширалажаги ҳақидаги фикрлар маъқулланди. Виждон эркинлиги, Оила йили, ёшлар тарбияси, ватанпарварлик ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ

ЯНГИ МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

НИЯТ

НАМАНГАН. Ҳаққулободда Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Норин туман бўлими ташкил этилди. Эзгу ниятлар билан бунёд этилган бу маънавият масканига туман бош меъмори Равшан Асқаров раис этиб тайинланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юрт ободлиги кўп жиҳатдан унинг улуғвор ташқи кўринишига, айниқса гўзал миллий безакларига боғлиқдир.

Равшан МИРЗАОЛИМОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 23 май, шанба • № 61 (22.298).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Диққат: янгилик

ФЕРМЕР ЯНГИ НАВ ЯРАТДИ

— Илмли деҳқон хор бўлмайди, -- дея такрорлашни яхши кўради қувасойлик фермер Аҳмадали Тешабоев. Ҳатто «Ташаббус-97» танловига қатнашганда ҳам шу шиорни байроқ қилиб чиқди.

Баъзи фермерлардай фақат қилинажак ишлар ҳақидагина гап сотиш унга ёт. Аҳмаджон ака изланувчан, янгиликка ўч, илмни амалга жорий этиш билан яшайдиган деҳқон. Қувасой ерлари тош, шағалли, тупроқнинг унумдор қисми юпқа. Бу эса ғалладан мўл ҳосил олиш учун қўшимча ҳаракат талаб этади.

Аҳмадали ака мавжуд буғдой навларини экиб, парваришлаш билан кифояланиб қолмади. Ўзи фермерлик қилаётган минтақадаги тупроқ ва сув, иқлим шароитларини обдон ўрганиб, шу шароитларга мос нав танлаш, уруғлик экиш, ўғитлаш муддатлари, хуллас, ғалла агротехникаси бўйича ўзига хос «Фарғона усули» деб номланган тажрибавий жадвал яратди. Фермернинг тажрибаларини оммалаштириш мақсадида Қувасойда ғаллакорлар ўқув-машғулотлари ўтказилди. Аҳмадали акадан хўжалигидаги ишлар ҳақида сўраган эдик.

-- Гапни ўтган йиллар якунларидан бошласак. Хўжалигимиз иссиқхонасида кейинги уч йил мобайнида 3,5 миллион тупдан ортиқ сабзавот кўчатлари етиштириб сотдик. Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги бошқаруви билан 8100 килограмм буғдой етиштириш ва унинг 50 фоизини хўжалик орқали давлатга сотишга шартнома тузгандик. Ҳосил кутилгандан ҳам мўл бўлиб, амалда давлатга 5 тонна буғдой сотдик. Охирги уч йилда фермер хўжалигимиз деярли 1,6 миллион сўм соф фойда кўрди. Ҳа, фақат соф фойда! Чорак гектар ерга иссиқхона қурдик. Дала шийпони бунёд этдик, артезиан қудуғи кавлаб, ишга туширдик, янги «ДТ-25» трактори сотиб олдик. Хуллас, ишимиз чакки эмас, -- дейди у ғурур билан.

Илмли деҳқон анча йиллардан буён ўз хўжалигида янги, маҳаллий шароитларга мос буғдой навлари яратиш билан шуғулланди. Турли навларни чатиштириш,саралаш йўли билан А. Тешабоев дашт, тошлоқ ерларда ҳам юқори ҳосил берадиган «Фарғона», «Қувасой», «Азиз» каби номлари билан аталган 11 хил нав яратди. Шу йил вилоятда бўлиб ўтган танловда фермер яратган навлар юқори баҳоланди. Зеро, юқорида номлари айтилган навларнинг шундай хусусиятлари борки, бир гектар ерга шу навлардан 80-100 килограмм уруғ сепиб, 50-60 центнердан ҳосил кўтариш мумкин. Албатта, агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда.

Аҳмадали ака бош бўлган «Азиз» фермер хўжалигида буғдойдан кейин дашт ерларга маккажўхори экиб, парваришлаш юзасидан ҳам қизиқарли тажрибалар олиб бориляпти. Ғалладан кейин экилган маккажўхори октябрь ойида тўлиқ етилади.

Фермер яратган маҳаллий шароитларга мос янги ғалла навлари Қувасой шаҳри хўжаликларида оммалашиб бормоқда.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Янги куннинг жамоли

ОИЛА ЙИЛИДА — ОИЛА МАНФААТИ

ЎзХДП Жиззах вилояти кенгашининг биринчи котиби Илҳом Умурзоқов навбатдаги йиғилишлардан бирида шундай ташаббус билан чиқди.

«Оила йилида -- оилаларнинг мустаҳкамлиги, уларнинг манфаатлари учун курашиш ҳаммамизнинг ҳам вазифамиздир», -- деди биринчи котиб. -- Вилоятдаги туман ва шаҳарларда 700 та партия ташкилотлари бор. Шундай экан, келинглар, ҳар биримиз ўз ҳудудимизда яшайдиган ночор, боқувчисиз, кам таъминланган оилалардан биттадан оталиққа олайлик».

Йиғилганлар ушбу таклифни бир овоздан маъқуллашди.

Шундай қилиб, 700 нафар кам таъминланган оилалар ўз беминнат ёрдамчиларига эга бўлишди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ

МИТТИ БОСМАХОНА

Шу пайтгача «Оққўрғон овози» туман газетаси анча қийинчиликлар билан Бўка туманлараро босмахонасида чоп этиларди. Бундан буён газета Японияндан келтирилган «Ризограф -- 4Я 3750» русумли чоғроқ, лекин замонавий босмахонада босилади. Бундай босмахона катта имкониятларга эга. У бир пайтнинг ўзида маҳсулотга 6 хил ранг беради. Босмахона туман тадбиркор жамғармаси бўлим бошлиғи Саидраҳим Қўчқоровнинг саъй-ҳаракати билан фойдалашнишга топширилди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ

ТАЪЛИМОТ ТАЛҚИНИГА БАҒИШЛАНДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ўқув залида «Тасаввуф ва таассуб» мавзуида китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Унда шаҳар кутубхоналар жамоатчилиги, олий ўқув юрти ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар.

Конференцияни кутубхона директори Абдусалом Умаров кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Халқаро ислом тадқиқот маркази директори, фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳмудхўжа Нуриддинов, олимлардан Нажмиддин Комилов, Султонмурод Олим ва бошқалар сўз олиб, таълимот ва ақидапарастликнинг бир-биридан фарқи, инсонни комил тарбиясида тасаввуфнинг ўрни борасида атрофлича тўхталдилар.

Динни ақидачиликдан ажрата билиш ва адашмаслик тўғрисидаги мунозаралар барчада илиқ таассурот қолдирди.

Юсуф ЖЎРАЕВ



СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ЯҚИН
(Қўқондаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони М. Мадалиева ўқувчиси Д. Исоқова билан).
Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Бу дунёнинг ишлари

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Кеча Тбилиси шаҳрида БМТ раҳнамолигида Абхазиядаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тезкор мажлиси бошланди. Ушбу мажлис Абхазия томонининг ташаббуси билан уюштирилди. Мажлисни чақиришга сабаб Абхазиянинг Галь туманида юз берган ҳодисалардир. Чунки бу ердаги қон тўкишлар натижасида бир неча киши қурбон бўлганди. Грузия ва Абхазия томонлари бир-бирларини айблашди. Лекин, БМТ вакиллари ушбу қарама-қаршиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш тарафдори эканликларини билдиришди.

СТРАСБУРГДАГИ АВТОҲАЛОКАТ

Страсбург шаҳри атрофида юз берган автомобиль ҳалокати натижасида Россиянинг Европа иттифоқидаги доимий вакили Евгений Прохоров ҳалок бўлди. Ҳалокат тафсилотлари ҳақида ҳозирча хабар йўқ. Евгений Прохоров юксак малакали дипломат бўлиб, халқаро ҳуқуқ бўйича мутахассисдир. У Россия Ташқи ишлар вазирлигининг адлия департаментида ишлаган. Страсбургга эса бош консул сифатида келган. Яна бир нарса маълумки, Евгений Прохоров номзоди Европа иттифоқи парламент ассамблеясининг июнь ойида бўладиган сессиясида Европанинг инсон ҳуқуқлари бўйича судида Россия судьяси сифатида кўрсатилмоқчи эди.

ҲАРБИЙ СОҲАДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШМОҚЧИ

Украина ва Туркия давлат раҳбарлари Киевда ҳарбий техника саноати соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақидаги шартномани имзолашди. Киевда уч кунлик ташриф билан турган Туркия Президенти Сулаймон Демирэль ушбу ҳужжатни шарҳлаб, Украина билан ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилишнинг истиқболи бор, деди. Ўз навбатида Украина Президенти Леонид Кучма ушбу масалалар билан ҳарбий идоралар шуғулланади, деди. Сулаймон Демирэлнинг сўзларига қараганда, Туркия яқин келажакда ҳарбий технологияларни ривожлантириш учун 150 миллиард доллар маблағ сарфлашни мўлжаллаётир. Демирэль бу дастур Украина билан ҳамкорликда амалга оширилишини таъкидлаб ўтди.

«ПИНАКА» ТИЗИМИДАГИ РАКЕТАЛАР СИНОВИ

Ҳиндистон куни кеча «Пинака» тизимидаги ракета қурилмаларини Орисса штатидаги ҳарбий полигонда синовдан ўтказди. Янги ракета қурилмаси ёрдамида 44 дақиқа ичида 12 та ракета отилиши, 40 километр масофадаги мўлжални аниқ уриши мумкин. Мудофаа тадқиқотлари бўйича ташкилотнинг хабарларига кўра, ушбу ракета тизими Ҳиндистон армиясининг ҳарбий ҳаракатлар пайтидаги қудратини янада оширишга хизмат қилади.

ЯДРО ПОЙГАСИДАН ВОЗ КЕЧИШГА ЧОРЛОВ

АҚШ Президенти Билл Клинтон ва конгресс Покистонни ядро пойгасида қатнашмасликка даъват этишди. Бироқ, Покистоннинг ҳам ўз нияти борга ўхшайди. Покистон Президенти Рафиқ Тарарнинг 21 май куни Лоҳурда журналистлар билан суҳбатда айтган гапларига кўра мамлакатда ядро синовлари «халқнинг талабистакларига биноан» амалга оширилар эмиш. У қўшимча қилиб айтдики, Покистон ўз душманларига қандай жавоб беришни билади. Ўша куни Покистон Бош вазири Навоз Шариф вазирлар қўмитасининг мажлисида мамлакат хавфсизлигини таъминлашга бефарқ эмаслигини айтди. Яқин келажакда ядро синови ўтказиш масаласида сўнгги сўзни айтамиз, деди.

БУХОРО ГАЗЛАМАЛАРИ

ХОРИЖЛИК ХАРИДОРЛАРГА ҲАМ МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Ўзининг XXV асрлик тўйини нишонлаган қўҳна шаҳар Бухоро азалдан буюк алломалари, косибу ҳунармандлари билан оламга машҳур бўлган. Ипак йўлида жойлашган бу шаҳардан дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳу савдогарлар қуруқ қайтишмаган. Ҳозир ҳам шундай. Унинг зардўзлик, кандакорлик, кулолчилик маҳсулотлари қатори нафис газламаларига хорижда ҳам харидорлар бисёр. Хўш, бунга қандай эришиляпти?

Шуни таъкидлаш керакки, истиқлол шарофати туфайли қайта яшарган Бухорода ўнлаб саноат корхоналари элга танилди: «Бухорозардўз», Баҳовуддин Нақшбанд, «Бухоротекс»... Буларнинг ҳаммаси ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликларини ўзига хос тарзда енгяпти. Аммо, «Бухоротекс»га тенг келадигани йўқ. Бу улкан корхона мустақиллик йилларида тараққиётнинг ойдин йўлига чиқди. Мамлакат тўқимачилик саноати мажмуидан муносиб ўрин эгаллади. Бугун унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ўттиз олтитага етди. Маҳсулот экспорти кўлами ҳам кун сайин ошяпти. Испания, Германия, Швейцария, Туркия, Руминия, Белорусдан корхона маҳсулотига харидор кўп. Шу ўринда бунга осонликча эришилдими, деган ҳақли савол туғилиши табиий, албатта.

Эришилаётган ютуқлар замирида мустақиллик берган имкониятлар мавжудлигини корхона ишчилари қалбдан сезиб турибдилар. Ҳурлик туфайли улар ўз корхоналарининг ҳақиқий эгаси бўлишди, дастгоҳлар энди бегоналар учун ишламайди. Йигирувчи ҳам, тўқувчи ҳам, боринг-ки -- эшик олдида турган қоровул ҳам меҳнатидан моддий манфаат кўряпти, қувончи ҳам, ташвиши ҳам жамоада аён. Ишлаб топилган фойда эса ўртада улушига яраша тақсимланади.

Кўпминг кишилик жамоа кейинги уч йилда ўз бўйбастини кўрсатди десак, муболаға бўлмас. Фақат бултурнинг ўзида хорижга маҳсулот сотишдан 1,1 миллиард сўм фойда кўрилди. Шундан соф фойда 800 миллион сўмни ташкил этди.

-- Ўтган йили бухороликлар учун тарихий воқеалар йили бўлди, -- дейди «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти раиси Шукрулло Давиров. -- Қўҳна шаҳарнинг юбилейи йилида жамоамиз ҳам муайян ютуқларга эришдилар. 25,8 минг тонна ип йигирилди, 96,2 миллион метр сурп, 112 миллион квадрат метрга яқин газлама тўқилди. Ҳаммаси бўлиб 10,2 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Ҳамма соҳада сезиларли ўсиш таъминланди. Шунинг эвазига хорижий мамлакатларга сотган маҳсулотимиз ҳажми 13,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳа, рақамлар қувонтиради. Хўш, оддий ишчининг манфаатдорлиги-чи? Корхонада ҳар бир ишчининг ўртача ойлиги қарийб 6000 сўм. Маошларни беришда ҳозирча узилиш бўлгани йўқ. Раиснинг таъкидлашича, ишчиларнинг ўртача ойлик маоши шу йил охиригача камида 10 минг сўмга етказилади. Ҳиссадорларга ўтган йил якунларига кўра, ҳар бир акция учун 350 сўмдан девиденд тўланди. Бултур жамоа аъзоларини бепул овқатлантириш, моддий рағбатлантириш учун 68 миллион сўм сарфланди.

-- Корхонада ишлаётганлар орасида ХДП аъзолари 400 кишини ташкил этади, -- дейди бошланғич партия ташкилоти котиби Муҳиддин Бозоров. -- Улар ҳам бошқарув аппаратида, ҳам ишлаб чиқаришда масъулиятни зиммаларига олишган. Шу боис мушт бир ерга урилянти, ютуқлар кўпаймоқда. Партия аъзоларининг фаоллиги натижасида ҳозир бир кечакундузда 105 тонна ип тайёрланаётир, 400 минг метр газлама, 50 минг дона юмшоқ сочиқ ишлаб чиқарилянти.

-- Жорий йилда жамоа 26390 тонна ип йигириш, 96 миллион метр сурп, 113 миллион квадрат метр харидорбоп газлама, 13 миллион дона турли ўлчамдаги юмшоқ сочиқ ишлаб чиқаришни режалаштирган, -- дейди корхона бош муҳандиси Неъмат Ҳамроев. -- Бундан ташқари, эрта-индин корхонада эркаклар кўйлаги ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бунинг учун Германиянинг «Пфаф-Зингер» дастгоҳлари тайёр турибди.

Ислоҳот ва масъулият

Ҳа, корхона жонкуярлари хорижлик харидорларни муштоқ қилмаслик, элни кийинтириш ташвишида тинмай изланаяптилар. Аммо изланиш ва интилиш муаммолорсиз кечмаяпти. Корхона учун Швейцария банкидан кредит ажратиш, 1-йигирув-тўқув фабрикасида дастгоҳларни алмаштиришни ниҳоясига етказиш зарур. Ёки келаси йилда корхонани техник ускуналар билан қайта жиҳозлаш учун 25 миллион доллар талаб этилади. Чет эл инвестициясини жалб қилиш орқали Ғиждувон йигирув-тўқув фабрикасида «Даймлер бенц» фирмаси билан қўшма корхона ташкил этиш мўлжалланаётир. Швейцариянинг «Вилатек» фирмаси ҳам корхона билан ҳамкорлик қилишга ҳайрихоҳлик билдиряпти. Хуллас, соҳадаги кемтик ўринларни тўлдириш учун имконият етарли.

Норбобо ШАКАРОВ,
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

«МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ» — ОЛАМНИ ЧОРЛАДИ

Кеча «Юнусобод» спорт мажмуида «Мустақиллик кубоги» учун эркин ва юнон-рим кураши бўйича иккинчи халқаро мусобақа бошланди. Бу гал 14 мамлакатдан келган 184 полвон куч синашмоқда. Мусобақанинг расмий очилиши байрамга айланиб кетди. Унинг муҳим жиҳати шундаки, голиблар 2000 йили бўладиган Олимпиада ўйинларига йўлланма оладилар.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Республика Бош вазирининг ўринбосари, турнир ташкилий қўмитасининг раиси А.Азизхўжаев нутқ сўзлади.

Тантанада Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 186-модда; 1993 йил, № 9, 334-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 1 май.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА

(Янги таҳрири)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикасида виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар фаолиятини таъминлашга оид муносабатлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Виждон эркинлиги ҳуқуқи

Виждон эркинлиги -- фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган Конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

4-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларни ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳеч ким диний эътиқодини рўкач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

5-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

6-модда. Давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари

Давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юкланади. Қўмитанинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудларда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун қонун бўйича жавобгардирлар.

7-модда. Таълим тизими ва дин

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилади.

8-модда. Диний ташкилотлар

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона бошқарув органлари (бундан кейин -- марказий бошқарув органлари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта ҳудудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган тегишли конфессияларнинг рўйхатга олинган диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади.

9-модда. Диний ўқув юртлари

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг рухсати билан амалга оширишлари лозим.

Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади.

10-модда. Диний ташкилотлар устави

Диний ташкилотнинг устави қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

диний ташкилотнинг номи, тури, жойлашган манзили, қайси динга мансублиги;

мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;

фаолиятни ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

тузилиши ва бошқарув органлари;

маблағлари манбаи ҳамда ушбу ташкилот ичидаги шунингдек, ундан ташқаридаги мулкий муносабатлар;

уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

ушбу диний ташкилотга тааллуқли бошқа маълумотлар.

Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари мазкур бошқарув органлари билан келишилган бўлиши керак.

11-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олиш

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларни эса -- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

диний ташкилот тузиш ташаббускори бўлган, юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;

диний ташкилотнинг устави;

таъсис йиғилишининг баёни;

тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби имзо қўйган ариза;

диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг устави;

таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг баёни;

таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

раҳбар орган жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳамда тегишли органларнинг эксперт хулосасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч ойлик муддатда қабул қилинади.

Диний ташкилотнинг уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартишлар диний ташкилотни рўйхатга олиш каби тартиб ва муддатларда рўйхатга олиниши лозим.

Диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот уставини давлат органларидан рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12-модда. Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этиш

Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатлари ушбу Қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирганларидан сўнг, уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этилганлиги ёхуд адлия органлари томонидан ушбу Қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

13-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш

Диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини ўзи тарқатиб юборганда ёки ушбу Қонуннинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин.

Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш, шунингдек зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадир.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўтказилади.

Диний маросим ва ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндорлар мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан берилган, шунингдек, чет элда жойлашган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотларнинг мулкий ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.

16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиш

Диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидир.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уставдаги мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек, хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидир.

18-модда. Фаолиятини тугатган диний ташкилотларнинг мол-мулкини тасарруф этиш

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилгандан кейин уларга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк ўз эгаларига қайтарилади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилган тақдирда, уларга қарашли мол-мулкка эгалик қилиш уларнинг устави ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Кредиторларнинг талабларини қондириш учун ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган ибодатга оид мол-мулк рўйхати диний ташкилотларнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳуқуқий ворислари бўлмаган мол-мулк давлат мулки ҳисобига ўтади.

19-модда. Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тегишли лицензия олгандан сўнг диний ибодат буюмларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқига фақат улар эга бўладилар.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

20-модда. Диний ташкилотларнинг хайрия фаолияти

Диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

21-модда. Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар

Диний ташкилотларда меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича ишлаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тадбиқ этилади.

22-модда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари

Диний ташкилотлар муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб боришга ҳақлидир.

23-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ «ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг ушбу Қонунига зид бўлмаган қонун ҳужжатлари қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ҳамда идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддат ичида янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ диний ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 1 май

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни жадал амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг ғайрат-шижоатини, тадбиркорлигини амалга оширмай туриб бунга эришиб бўлмайди. Зарбдор туманидаги «Шаҳзод» ҳусусий агрофирмаси ўз фаолиятини тадбиркорлик билан амалга оширмоқда. Жамоа аъзолари 250 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил олиб келишаётир. Бу йил улар 132 гектар ерга буғдой, 88 гектар ерга пахта, 30 гектар ерга маккажўхори экишган. Айни пайтда далаларда мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Яқинда агрофирма вакиллари яна бир хайрли ишга қўл уришди. Бу ерда тиқув цехи ишга туширилди. Бунинг натижасида қишлоқдаги 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни пайтда махсус иш кийимлари, қўлқоп, пахта заводлари учун хирмон ёпқич ва чойшаблар тикилмоқда. Бу ерда яқин келажакда тўқув цехи ҳам ташкил этилмоқчи.

СУРАТДА: илғор тикувчи Малика Маматова.

Бахтиёр ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Олим муаммо қўяди

ЕР БОЙ БЎЛСА, ЭЛ БОЙ БЎЛАР

Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалигига тадбиқ қилиш, шу жумладан илғор агротехника қоидаларига тўла амал қилиш, минерал ва органик ўғитлардан тўғри фойдаланиш, ернинг унумдорлигини ошириш маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришда катта аҳамиятга эгадир. Айрим маълумотларга қараганда, суғориладиган ерларимизнинг тупроқ таркибида гумус моддалари деярли йўқ. Тупроқларимиз кўпроқ ишқорий хусусиятга эга. Ҳозирги вақтда минерал ўғитларнинг фойдали миқдори (коэффициенти) йилдан-йилга камайиб борса ҳам, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида минерал ўғитларнинг ерга солиш миқдори тобора ортиб бормоқда. Текширишлар шуни кўрсатдики, ерга солинган минерал ўғитларнинг ҳаммаси ҳам ўсимликларга яхши таъсир қилмайди. Маълум бўлишича, ғўза ўсимлигига солинган фосфорнинг таъсир кучи 30-40 фоиздан, азот эса 70-75 фоиздан ошмайди. Ерга солинган ўғитларнинг кўп қисми, айниқса азот, калий ўғитлари табиий ёки суғориладиган сувлар билан ювилиб кетади. Фосфор ўғитлари эса тупроқда эримайдиган, ўсимлик ўзлаштира олмайдиган ҳолатга ўтади. Минерал ўғитларнинг тупроқдан ювилиши кўп миқдордаги минерал озуқа моддаларининг йўқолишига олиб келмоқда.

Бизда маҳаллий ўғитлар ўрнини босадиган актив моддалар бор. Шулардан бири органик ўғит бўла оладиган гумус моддалари -- гумин кислоталаридир. Бу моддалар маҳаллий ўғит ва бошқа органик моддаларнинг тупроқда чириши, оксидланиши натижасида ҳосил бўлади. Химиявий хоссалари жиҳатидан тупроқдаги гумусларга ўхшаш моддалар табиатда жуда кўп. Бундай моддаларни табиийсидан ташқари, керакли миқдорда сунъий равишда тайёрлаш ҳам мумкин. Гумин кислоталарининг аммиак, калий ва натрий бирикмалари(тузлари) сувда жуда яхши эрийди. Мана шунинг учун бу моддалар ўсимликка тўғридан-тўғри озуқа ва стимулятор (ривожлантирувчи) бўлади. Гумин кислоталарининг ҳосил бўлиши ва уларнинг кимёвий хоссаларини ўрганиш, суғориб экиладиган ерларга уларнинг таъсир кўрсатишини аниқлаш масаласи бизни жуда қизиқтирган ва бу борада бир неча тажрибалар олиб борган эдик.

Бу тажрибалар ишончли натижалар берди. Масалан, гумус моддалари ишлатилган ерда гектаридан уч-тўрт центнердан ортиқ ҳосил олинди. Ҳосилдорликни оширишда тупроқ структураси бўйича тажрибалар ўтказилганди. Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси, академик Карим Аҳмедов юқорида айтилган ишлар юзасидан муҳим таклифлар киритган эди. Сувда эрувчан бир неча моддалардан К-4 деб номланган сувда эрувчан полимерни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиб, тупроқ структурасини яхшилаш муаммоси ҳал қилинганди.

Гумин кислоталари, бу тошкўмир конларда кўмирни оксидлаш натижасида ҳосил бўладиган мураккаб органик моддадир. Шу билан бирга бундай моддаларни сунъий равишда кўмир майдасини, ёғоч ёки гидролиз заводларининг кўп миқдорли чиқиндиси лигнинни сунъий равишда оксидлаб, органик ўғит сифатида фойдаланиш мумкин. Бу органик ўғитни айниқса, қия, ювилувчан ерларга ишлатиш бундай ерларнинг ҳосилдорлигини кескин оширишга имкон беради. Тошкент вилоятида сабзавотчилик хўжалигида шу соҳанинг мутахассис-олимлари томонидан дала шароитида лигнинни эриган ёки қуруқ ҳолатда ишлатиш тажрибалари ўтказилган. Натижада картошка, шоли ва маккажўхорининг ҳосилдорлиги кескин ошиши кузатилди. Биз Оҳангарон кўмирини майдалаб ёки гидролиз заводларининг чиқиндиси ҳисобланган лигнинни азот кислотаси билан оксидлаб, нитролигнин, деб номланган бирикма технологиясини ихтиро қилган эдик. Ишлаб чиқарилган маҳсулот-нитролигнинни қишлоқ хўжалигида органик ўғит сифатида ишлатишдан ташқари геологик ташкилотлар, нефть, газ конларини пармалашда ишлатиладиган суюқлик тайёрлаш учун харид қилинар эди. Аммо шунча кўп чиқиндини оксидлаб, органик ўғит тайёрлаш қурилмаси арзимаган сабабларга кўра, яъни азот оксидлари ҳавога ажралиб чиқяпти деб, йўқ қилиб юборилди. Ажраладиган озгина газни ушлаб қолиш, йўқотиш чоралари ҳам кўрилган эди. Мен бу технологик қурилмани яна тиклаш жуда зарур, деб ҳисоблайман.

Ҳозирги вақтда яна бир муҳим амалий ишни тайёрлашга эришдик. Бу тайёрланган маҳсулотимиз ерга солинганда, ердаги фосфор ўғитларининг эрувчанлиги ошиб, ғўза ўсимлиги яхши ўзлаштирадиган ҳолатга айланади. Бу органик бирикма Оҳангарон кўмиридан ёки гидролиз заводларининг чиқиндиси — лигниндан тайёрланади.

Азиз ТОЖИЕВ,
техника фанлар доктори,
профессор.

ҚАНДАЙ КЕЛГАН БЎЛСА, ШУНДАЙ КЕТДИ

Бундай сарлавҳа қўйилишининг боиси бор, албатта. Бундан қарийб ўттиз икки йил аввал Индонезия Президенти Сухарто мамлакатда юз бериб турган молиявий инқирозлар натижасида талабаларнинг оммавий чиқишлари, ур-йиқитлари туфайли ҳокимият тепасига келган эди. Энди эса у қандай келган бўлса, шундай истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

Индонезиядаги етакчи мухолифат раҳбарларидан бири, «Муҳаммадиах» партияси раиси Амин Раис эса бундан бир неча кун аввал мамлакатда Президентга қарши оммавий норозиликларни тўхтатиш зарурлигини айтган эди. Бинобарин, агар тўқнашувлар, ур-йиқитлар бошланиб кетса, намойишчилар қаттиқ жазоланиши, қон тўкилиши ҳам мумкин деганди. Ўзи шундай ҳам оғир аҳволга тушиб қолган иқтисодиётга тўс-тўполонлар натижасида 250 миллион доллар миқдорида зарар келтирилган эди.

Лекин шунга қарамай, Президент Сухарто истеъфога чиқмоқчи эмаслигини маълум қилди. 76 ёшли Президент телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, ўзининг истеъфоси мамлакатдаги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бера олмайди деган эди. Бироқ, барибир дўппи тор келиб қолди.

Оммавий норозиликлару ур-йиқитлардан чарчаган Президент Сухарто ўтган куни эрталаб миллий телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, ўзининг ихтиёрий равишда истеъфога чиққанлигини маълум қилди.

Индонезия Конституциясига биноан вице-президент вазифасини эгаллаб турган Юсуф Ҳабибий Президент этиб сайланди. У куни кеча мамлакатнинг янги раҳбари сифатида қасамёд қилди.

Индонезия олий ҳарбий қўмондонлиги ўша куниёқ Сухартонинг истеъфога чиқиши муносабати билан тезкор кенгаш ўтказди. Унда қуролли кучларнинг барча турлари қўмондонлари ва миллий полициянинг раҳбарлари иштирок этишди. Кенгаш иштирокчилари мамлакатнинг янги Президентини қўллаб-қувватлашларини эълон қилишди.

Сухарто Президентлик вазифасини 2003 йилгача бажариши зарур эди. Энди бу вазифани ўшанда бўладиган сайловларгача Юсуф Ҳабибий бажаради.

ТАРИХ САБОҚДИР

Муносабат

Жаҳон жамоатчилиги Ҳиндистоннинг кетма-кет беш марта ядро синовини ўтказганлигини кескин қораламоқда. Жумладан, мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги ўз баёнотида, гарчи Ўзбекистон билан дўстона сиёсат ўтказиб, ҳамкорлик қилиб келаётган бўлса-да, Ҳиндистоннинг бу сиёсатига қўшилмаслигини билдирди.

Ўзбекистоннинг халқаро соҳада умуминсоний қадриятлар ҳамда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш асосида қарор топган сиёсий йўли дунёдаги кўплаб мамлакатлар томонидан эътироф этилгандир.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўз таркибида демократик давлатларни бирлаштириб турган НАТОдек халқаро ташкилот Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини қўллаб-қуватламоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари йўналишида ташқи сиёсат ўтказиб келаётган Ўзбекистон учун Ҳиндистоннинг бу хатти-ҳаракатини қоралашнинг яна бир боиси, ядро зарядлари синови жаҳоннинг аҳоли энг зич жойлашган бу ҳудудидагина эмас, балки, Марказий Осиё минтақасининг жанубий сарҳадларига бевосита яқин жойда амалга оширилди.

Айтиш мумкинки, бу воқеа хавфли қуролланиш пойгасига туртки бериб, нафақат минтақавий балки, яна глобал оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки ҳозирда дунёдаги ўнлаб давлатлар иқтисодий жиҳатдан ядро қуролига эга бўлиш имкониятига эгадир. Шунга қарамай Ҳиндистоннинг ядро қуроли синовларини тўхтатиш бўйича жаҳон мораторийсини бузиб, даҳшатли ажал қуроли тарқатилишига туртки ҳисобланган сиёсатга айрим давлатлар томонидан ҳайрихоҳлик ҳам бор. Албатта, бу ўринда тор доирадаги манфаат кўриш масаласи ётади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида дунёвий халқаро воқеаларга муносабатда ўзининг изчил йўлига эга. Ҳиндистондаги «ядро қурилмалар синови» сиёсий вазиятни танглаштириш ҳодисасига билдирилган муносабатда давлатимизнинг ташқи сиёсатдаги одилона йўли яна бир бор намоён бўлди.

Зотан, тарихга назар солсангиз бундай «синов»лар инсоният бошига не-не кулфатлар солганининг гувоҳи бўламиз. Ўтмишнинг аччиқ сабоғини унутиб бўлмайди.

С. АЗИЗОВ,
тарих фанлари номзоди.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

25. 05.98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Таҳлилнома».
*
8.30 Лирик тароналар.
8.50 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10,00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жаҳон спорти».
10.15 Кино янгиликлари.
10.30 Кундузги сеанс. «Мария, Мирабелла Транзисторияда». Бадиий фильм.
11.40 «Жараён».
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.30—14.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Нефтчи» (Фарғона) — «Навбаҳор» (Наманган).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Сўнгги қўнғироқ».
18.30 «Теннис-клуб».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Ислоҳот ва инвестиция».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Истиқлолим, сени куйлайман». Мусиқий дастур.
21.30 «Бевосита мулоқот».
22.10 М. Бобоев «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 4-кўй.
22.50 Эркин ва юнон-рим кураши бўйича Ўзбекистон мустақиллиги кубоги.
23.20 «Ахборот».
23.45—23.50 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузашт-лар давомида». Телесериал.
19.00 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.15 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.50 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Туризм ҳақида.
20.20 «ДЭНС». Жаҳон рақслари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хайр, мактаб!».
21.10 «Олтин мерос».
21.35 Экранда премьера. «Сахрои кабир сири». Телесериал.
22.25 «Даракчи» (рус тилида).
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 «Ёш Индиана Жонс хроникаси». Телесериал.
23.25 — 23.30 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.20 — 20.40
*
20.40 «Долзарб репортаж».
*
Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Дунёқараш». Тележурнал.
22.00 — 22.20 «Ахборот»(рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.50 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Дидар» «Рангинкамон»
20.55 Мусиқий танаффус.
21.00 «Умр баҳори».
21.20 «Спорт-тайм».
21.55 Кинематограф «Тўғри сўзнинг тўқмоғи».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

26. 05.98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8,40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қўшиғимда яшар муҳаббат».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Инглиз тили.
10.35 «Олам ва одам».
10.55 Болалар учун. «Гулғунчалар».
11.15 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
11.30 Ўзбек куйларидан концерт.
12.05 «Турон тулпорлари». Спорт дастури.
12.25—14.00 Кундузги сеанс. «Мудҳиш хато». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?».
18.35 «Ҳунарманд». Тележурнал.
18.50 «Шеър ва шуур».
19.00 «Мулкдор».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ҳамкорлик истиқболлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос». Н. Аҳмедова.
21.30 «Акс-садо».
22.00 «Сеҳрли шўҳла». Кинокўрсатув.
22.20 «Диёр». Тележурнал.
23.20 «Ахборот».
23.45—23.50 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 Ёввойи ҳайвонот олами.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Очун».
20.20 Шарқ эстарадаси.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сўнгги қўнғироқ».
21.10 «Сахрои кабир сири». Телесериал.
22.00 «Даракчи».
22.10 Спорт қитъаси.
22.40 «Кундалик».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Кинонигоҳ.
00.10 — 00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Юлдузлар мангу ёнади».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Билиб қўйки, сени Ватан кутади». Публицистик кўрсатув.
22.00 — 22.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «ТВ-ташриф».
19.25 «Минг бир маслаҳат».
19.35 «Дўстим ҳақида».
19.50 Клип.
19.55, 21.25 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.15 «Каталог».
21.30 «Киносалон».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

27. 05.98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Гулшан диёрим». Мусиқий дастур.
8.55 «Бугуннинг ўйлари».
9.10 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 Алифбо сабоқлари.
10.55 Болалар учун. «Кичкинтойлиз — гижингтойлиз».
11.15 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Ҳаёт чашмалари».
12.30 «Чемпион билан учрашув».
12.45 Кундузги сеанс. «Бембининг болалиги». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Маърифат маскани».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Асрлар навоси». Мусиқий дастур.
19.05 «Ҳиммат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Бир жуфт қўшиқ.
21.30 «Сиёсат оламида».
21.55 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 5-кўй.
22.35 «Ахборот».
23.00 «Ёшлар» телеканали
1. «Сиз ва биз».
2. «Оқибат».
3. «Ёшлар ва эстрада».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Толеънома».
20.15 «Кўл жанги санъати».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сўнгги қўнғироқ».
21.10 «Хонадон».
21.30 «Сахрои кабир сири». Телесериал.
22.20 «Даракчи».
22.30 «Нигоҳ».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Экранда — детектив.
00.05 — 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 21.50
*
21.50 «Қўқонди латиф ёдгорликлари». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.35
*
22.35 Эълонлар.
22.40 «Биз қандай дам оляпмиз?».
23.00 — 23.20 «Ахборот»(рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.35 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Азизим».
20.55 «Автосалтанат».
21.05 «Дурдаршан».
21.40 «Олтин хазина».
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

28. 05.98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
9.00 «Бокира туйғулар».
9.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
10.30 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
11.20 «Ғаройиб ов». Мультфильм.
11.30 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 Болалар учун. «Ёш куч».
12.20 Кундузги сеанс. «Сўнгги пушаймон». Бадиий фильм.
13.35—14.00 «Кетмас давлат бирсин».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.45 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Эстрада қўшиқлари телетанлови». Экранда — Сирдарё вилояти.
22.25 «Туркий қавмлар».
22.40 «Одамлар орасида».
23.05 «Ахборот».
23.30 «Сомон йўли» маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси.
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.55 «Бўш ўтирма».
19.15 «Дилнавоз садолар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сўнгги қўнғироқ».
21.10 «Сир».
21.25 «Одобнома».
21.35 «Даракчи» (рус тилида).
21.45 Оҳанглар ва эълонлар.
21.50 Оилавий экран.
23.15 — 23.20 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Юлдузлар мангу ёнади».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Билиб қўйки, сени Ватан кутади». Публицистик кўрсатув.
22.00 — 22.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «ТВ-ташриф».
19.25 «Минг бир маслаҳат».
19.35 «Дўстим ҳақида».
19.50 Клип.
19.55, 21.25 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.15 «Каталог».
21.30 «Киносалон».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

29. 05.98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Дилнавоз садолар». Мусиқий дастур.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 17.40 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Немис тили.
11.00 «Меҳр макони».
11.20 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».
11.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
12.05 «Халқ ижодиёти».
12.30 Кундузги сеанс. «Жабрланувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Қишлоқ ҳаёти».
* * *
17.35 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Пахтакор». Ўзкинохроника» премьераси.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Пахтакор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши). Танаффус пайтида — «Омонлик тилаймиз».
19.50 «Ахборот» (рус тилида).
20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Халқ хофизлари куйлайди.
22.15 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 6-кўй.
22.55 «Битик».
23.15 «Оила». Тележурнал.
23.45 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» дам олиш дастури
00.10 «Азиз сиймолар».
00.30 Бадиий фильм.
01.50—01.55 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Толеънома».
20.15 «Кўл жанги санъати».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сўнгги қўнғироқ».
21.10 «Яхши дам олинг».
21.25 «Сахрои кабир сири». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Саргузашт фильмлар экрани.
23.10 Бокс. Бокс. Бокс.
23.30 — 23.35 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
16.50 Киноафиша.
16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 Оскар совриндорлари: «Тунда содир бўлган воқеа». Бадиий фильм.
23.20 — 23.40 «Ахборот»(рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Ўй остонадан бошланади».
20.25 «Наволарда аён этсам».
20.45 «Бу бўстон аро...».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 Кинематограф. «Туш ўнгидан келди ёки чемодан»
23.00 Араб эстрадаси.
23.25 — 23.35 «Мунаввар тонг истаб...».

30. 05.98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Хайр, мунаввар даргоҳ».
9.40 «Шоҳруҳ» клуби.
10.00 «Зиёрат».
10.10 «Ёшлар» телеканали:
1. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
2. «Мен билган, билмаган дунё».
3. «Сизга ўхшагим келади».
4. «Қувноклар ва зукколар».
*
12.10 Кундузги сеанс. «Шавкатли рицар Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.
13.35 «Ўйла, изла, топ!». Телебеллашув.
14.20 «Зиёнат».
14.40—15.10 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Бизнинг азиз боболар».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 М. Турғунбоева хотирасига бағишланган танлов голибларининг концерти.
22.00 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.
22.45 «Ахборот».
23.10 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
«Тунги ёғду» дам олиш дастури
23.55 «Мусиқий саёҳат».
00.15 Диққат, премьера: «Мерос». Бадиий фильм. 5-серия.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.
II
9.00 Кўрсатувлар дастури.
9.05 «Сир».
9.20 «Дилбарим».
9.40 «Спорт қитъаси».
10.10 «Сўз ва соз оҳанглари».
10.40 «Лавжой». Телесериал.
11.30 Дубляж.
11.50 Болалар экрани.
13.20 Шарқ эстрадаси.
13.35 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.25 «Одамлар орасида».
14.45 «Эгиз қўшиқлар».
15.05 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.55 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
16.25 Бокс. Бокс. Бокс.
16.45 «Шарқ тароналари».
16.55 «Санта Барбара». Телесериал.
17.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
*
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Боланинг тили».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Таянч».
19.15 «Қонун ҳимоясида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.15 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сўнгги қўнғирок».
21.10 «Қўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Мафтункор чехралар».
22.00 «Даллас». Телесериал.
22.45 «Даракчи».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ.
00.20 — 00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.25 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.30 — 20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 — 22.25 «Шериф». Бадиий фильм.

31. 05.98

00.20 Спорт дастури:
1. Спорт. Спорт. Спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.
01.20—01.25 Ватан тимсоллари.
II
9.00 Кўрсатувлар дастури.
9.05 «Болалар кулгуси оламни тутсин!».
9.45 Саргузашт фильмлар экрани.
10.25 «Дойче Велле» тақдим этади...
10.45 «Лавжой». Телесериал.
11.30 «Нозик муъжиза».
11.40 Болалар экрани.
«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ
13.10 Кўрсатувлар дастури.
13.15 Жаҳон халқлари эстрадаси.
13.35 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.25 Интер-футбол.
15.05 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.45 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
16.05 «Бари ҳазил».
16.15 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
16.45 «Мультипанорама».
17.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Катта танаффус».
18.55 «Эътибор».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.00 «Синфдош».
20.30 «Таҳлилнома».
21.05 «Сўнгги қўнғироқ».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Изҳор».
22.35 Миллионлар ўйини.
22.55 Якшанба кинозали.
00.15 — 00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.40 — 23.05
*
23.05 Эълонлар.
23.10 «Минг бир кеча». Дам олиш дастури.
23.30 — 23.55 «Таҳлилнома» (рус тилида).
22.00 Киносалон.
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

АМНИСТИЯ ҲИСОБОТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Халқаро амнистия ташкилоти ўзининг навбатдаги ҳисоботини эълон қилди. Ҳисобот муаллифлари Афғонистонда ижро этилаётган оммавий қатл ҳамда бошқа тан жазоларини кескин қоралаган. Унда қайд этилишича, кейинги вақтда «Толибон» ҳаракати тасарруфидаги ҳудудда жазо тариқасида омма олдида жиноятчиларнинг бошини танасидан жудо қилиш, дорга осиш, тошбўрон қилиш, қўл ёки оёғини кесиб ташлаш ҳолатлари сезиларли даражада кўпайган.

«Қатл ҳукмларининг ижроси гўёки оммавий театрга айлангандек. Бу саҳна одамлар орасида зулм ва қўрқув, зўравонлик муҳитини яратмоқда. Ҳукм чиқарувчиларнинг иш юритиш услуби судлов ва қонунийлик мезонларига мутлақо тўғри келмайди», дейилади ҳисоботда.

КРЕДИТ АЖРАТИЛАДИ

Жаҳон банки уч йил давомида Тожикистонга 220 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратадиган бўлди. Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг Франциядаги расмий ташрифи чоғида Жаҳон банкининг Европа бюроси вакиллари билан шу тўғрида ҳужжат имзоланди. Шунингдек, мазкур ҳужжатда Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами сифатида олтмиш миллион доллар ажратиш ҳам кўзда тутилган.

КАЛАМУШЛАР КЎПАЙИБ КЕТДИ

Қирғизистон пойтахтида ҳар гектар ерга тўрт юз - беш юз дона каламуш тўғри келади. Шаҳар атрофида эса каламушлар сони бундан икки баробар кўп. Бундан 20 йил бурун Қирғизистонда умуман каламуш бўлмаган. Ҳозиргилари эса ҳар хил тажрибалар ўтказиш учун келтирилган каламушлардан тарқаган. Саҳар пайтлари шаҳар бозорларида гала-гала бўлиб ахлат титаётган каламушларни кўриш мумкин. Ўтган йили каламуш тишлаган бир қозоғистонлик фуқаро вабо юқтириб олган эди. Бу кичик йиртқичларга қарши кураш авж олдирилмаса, мамлакатда турли касалликлар тарқалиб кетиши мумкин.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Генерал Аҳмад шоҳ Масъуд қўшинлари қизғин жанглардан сўнг рақиб мудофаасини ёриб ўтишди ва Баглон вилоятидаги Бурка шаҳрини эгаллаб олишди. Бу ҳақда толибларга қарши кучларнинг вакили хабар қилди. Бироқ, у ушбу ҳужжат ҳақидаги аниқ маълумотлар ҳақида лом-мим демади. Бундан аввал Масъуд қўшинидаги тожикларнинг толиблар томонига ўтиб кетиши муносабати билан Ишкемиш ва Бурка толиблар қўлига ўтганди.

* * *

БМТ Бош котибининг Тожикистон бўйича махсус вакили этиб словакиялик Ян Кубиш тайинланди. Кофи Аннаннинг матбуот котиби Фред Экхард Кубиш ушбу лавозимга шу йилнинг 1 июлидан киришишини таъкидлади.

* * *

Шимолий Атлантика иттифоқи Ҳиндистон ҳукуматининг янги ядро синовлари ўтказиш ҳақидаги қарорини қоралади. Бу ҳақда ўтган чоршанба куни кечқурун Брюсселда тарқатилган махсус баёнотда айтилди. Янги синовлар минтақадаги барқарорликка путур етказади ва қуролланиш пойгасини авж олдириб юбориши мумкин. Кенгаш Ҳиндистонни ядровий қуролларни синовдан ўтказиш дастуридан воз кечишга чақирди.

Материаллар ЎзА ва хорижий манбалар асосида тайёрланди.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

БИР ЯРИМ АСРДАН БЕРИ ЧОП ЭТИЛАЁТГАН КИТОБ

Буюк Британияда 150 йилдан буён «Ким аслида ким» номли йиллик китоб-маълумотнома нашр этилади. Китобда катта доврўғ қозонган инсонлар, машҳур кишилар ҳақида ноёб маълумотлар жамлангани учун кўпчилик уни катта қизиқиш билан мутолаа қилади. Бироқ, китоб Блэк сулоласига мансуб нашриётда чоп этилиши маълум бўлсада, уни яратишда фаолият кўрсатганларнинг номи, қай тарзда ишлаши, маълумотларни қандай тўплаши ҳалиҳануз сирлигича қолмоқда.

«Ким аслида ким» чоп этиладиган нашриётнинг ҳозирги хўжайини Чарлз Блэкнинг айтишича, айримлар китобга ўз номини киритиш учун турли найрангларни ўйлаб топишдан, ҳатто ходимларни сотиб олишдан ҳам тоймайди. У ҳолда, табиийки, китобга ишонч йўқолади ва унинг обрўсига путур етади. «Ишимизга сир аралашгани ва уни яхши сақлаб келаётганимиз туфайлигина китоб 150 ёшга тўлди», дейди Ч. Блэк.

ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТМОҚЧИ

«Кристиан Диор», «Ив Сен-Лоран», «Шанел» сингари фирмаларнинг номларини билмайдиган одам бу саволга истеҳзо билан жавоб бериши тайин. Билганлар ҳам маълум маънода эътироз билдириши мумкин. Аммо, Француз атторчилигининг ўтган йилги якунларига назар ташлаган киши «йўқ» деб жавоб қайтариши анча қийин.

Негаки, 1997 йилда Франция саноатининг энг қадимий тармоқларидан ҳисобланган мазкур соҳада ишлаб чиқариш ҳажми нақд 8 фоизга ошди. Атир-упа, турли крему лосьонлар, қўйингки, пардозандозада ишлатиладиган барча маҳсулотларнинг умумий ҳажми 66,2 миллиард франкни ташкил этди. Уларнинг ярмидан ортиғи хорижга — тахминан 165 мамлакат бозорларига жўнатилди. Бу эса мазкур соҳада ишлайдиган 44 минг ишчининг бутун мамлакат экспортидаги улуши 16 фоизни ташкил этди, деган гап.

ЖАСАД... ФАЗОГА ДАФН ЭТИЛАДИ

АҚШнинг Ванденберг ҳарбий базасидан «Торос» русумли ракета қўкка парвоз қилди. Унинг таркибида бир неча сунъий йўлдош бор. Уларнинг бири илмий изланишлар учун мўлжалланган бўлса, иккинчиси дунё уммонларининг ҳолатини текширади. Учинчиси эса... марҳумларни дафн қилади.

«Торос» ўттиз нафар марҳумнинг ҳокини фазога олиб чиқди. У ўн йил давомида коинот сарҳадларини кезади ва охири ер атмосферасига қайтиб ўзи ҳам куйиб кулга айланади.

АҚШ матбуотининг ёзишича, фазода амалга оширилган дафн маросими тез орада анча оммавийлашади. Чунки, унинг ердаги айни шундай маросимдан фарқи унчалик катта эмас. Атиги 4800 доллар, холос.

БУГУНГИ ПХЕНЬЯН.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 23 may, shanba № 61 (22.298).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ЖАННАТМАКОН МАСКАН

Саломатлик посбонлари

Соғлигинг қадрига ет касал бўлмасдан бурун, деган ажойиб нақл бор. Тан олиш керак, иш, рўзғор ташвишлари, оила... дея баъзан соғлигимизни ҳам унутиб қўямиз. Ёки, номигагина даволанамиз-у, кўпинча шифокорлардан норизо бўлиб юрамиз. Инсон меҳнат қилишни ҳам, дам олишни ҳам ўрнига қўя билиши даркор. Соғлик бўлмас экан, аввало, оиладаги муҳит ўзгаради. Ишингизнинг баракаси бўлмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кўплаб сиҳатгоҳу санаториялар ташкил этилдики, улар асло хориж масканларидан қолишмайди. Барча қулайликларга эга бўлган, ҳар томонлама талабга жавоб берадиган шундай масканлардан бири пойтахтимиздаги М.М. Федорович номидаги шаҳар тиббий тикланиш ва физиотерапия марказидир.

Мана қарийб бир йилдирки бу шифохона хўжалик ҳисобида ишлаб, беморларга пулли хизмат кўрсатмоқда.

-- Тўғри, халқимиз даставвал пулли деган гапни эшитиб чўчишлари мумкин, — дея гап бошлайди бош шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Зуннур Исмоилов. -- Лекин, бунга асло ҳожат йўқ. Шу кунга қадар бизда уч мингдан ортиқ киши ўз саломатлигини тиклади. Лекин, ҳеч ким афсуслангани йўқ. Демак, улар биз кўрсатган хизматдан қониқиш ҳосил қилишган. Ҳозир кўпчилик нозиктаъб. Ҳар бир беморнинг кўнглини топа билиш, хушмуомала бўлиш галдаги ва асосий вазифамиздир. Барчамиз шунга қатъий риоя қилиб меҳнат қиламиз.

Бизда беморлар амбулатория шароитида ёки шифохонада 10, 15, 20 кун даволанишлари мумкин. Ва қуйидаги касалликлардан тезда фориғ бўлишади. Асаб касалликлари, юрак қон-томир ва нафас олиш аъзолари касалликлари, овқат ҳазм қилиш аъзолари, таянч ҳаракат аъзолари, эркак ва аёл аъзолари касалликлари билан оғриганлар тезда шифо топишмоқда. Дастлаб беморлар тиббий текширувдан ўтиб, малакали шифокорлар маслаҳатларига биноан бальнеофизиотерапия муолажаларидан баҳраманд бўладилар. Асосий даволаш воситаси 1920 метр чуқурликдаги манбадан чиқадиган маъданли хлорид-гидрокорбанад шифобахш иссиқ сувдир. Маъданли сув ичиб даволаниш, ички ювиш ва тюбажларда, марварид, кислород, дорили ванналар, сув ости уқалаши, душнинг ҳар хил турлари кенг қўлланилади. Шифобахш бадантарбия, уқалаш, мануал терапия, игна санчиб даволаш соғликни тиклашда самарали ёрдам беради. Шунингдек, юқори босимли кислород, магнит, ультратовуш, лазер нури терапияси ва бошқа нурлар билан даволаш, балчиқ апликацияси, парафин-озокерит ҳамда электр билан даволашнинг кўп турлари ва бошқа физотерапия муолажалари кенг қўлланилади. 20 кун даволаниш 24 минг сўм. Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқадиган бўлсак, бу унча қиммат эмас, албатта.

-- Биз сонга эмас, сифатга эътибор беряпмиз, -- дея суҳбатга қўшилди бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича масъул ходими, тиббиёт фанлари номзоди Мавжуда Алимова. -- Шу шифохонада 42 йилдан буён меҳнат қиламан. Дастлаб 240 ўринга мўлжалланган эди. Ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб эса шифохонамиз 120 ўринли масканга айлантирилди.



Мамлакатимизда ҳозирча ягона бўлган бу ажойиб масканда бирталай ижобий ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Кундузги ва кечки амбулаторияларда уруш қатнашчиларига бепул ёки эллик фоиз арзонлаштирилган нархларда хизмат кўрсатилмоқда. Ишчи ходимларимиз эса бепул даволанишади.

Шунингдек, барча беморлар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Тиббий хизматлар юқори даражада амалга оширилмоқда.

Ҳамкасбларимиздан Раиса Камолова, Мўътабар Қосимова, Венера Орипова, Ноила Сагдиева ва бошқалар ўз ишларини пухта бажармоқдалар.

-- Шу масканда бир ҳафтадан буён даволанаяпман -- дейди Чимкент вилоятининг Сайрам туманидан келган Замира Салоҳиддинова. -- Аввало, бу ердаги шарт-шароитларга қойил қолдим. Ҳаммаси ўз ўрнида. Айниқса, шифокорларнинг хушмуомалалиги-ю, одамохунлигини айтмайсизми? Дарддан фориғ бўлганимни ҳам сезмай қолдим...

-- Қаранга, пойтахтимизда шундай ажойиб шифо масканлари ҳам бор экан, -- дейди тошкентлик Абдурасул Хўжаев. -- Тўғри пуллик. Лекин, беморларга хизмат кўрсатиш ҳам шунга яраша. Энди ҳар йили шу ерда дам олмоқчиман...

Шифохонага киришингиз биланоқ, гўзалликни кашф этгандек бўласиз. Атроф тоза-озода. Хоналар ўзгача безатилган. Нақшинкор гиламлар... Хуллас, баҳри-дилингиз очилади. Саломатлигингиз яхшиланади. Бу шифохонада даволансангиз, ҳеч қачон афсусланмайсиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: шифохона ҳаётидан лавҳалар.

Шавкат АКРОМОВ олган суратлар

НУР ТАРАТИБ ЯШАСА ИНСОН

Орамиздаги одамлар

Илм ўрганиш игна билан қудуқ қазишдек гап, дейди халқимиз. Илмнинг машаққатли сўқмоқларидан ўтиш учун ўткир ақл, мустаҳкам билимгина эмас, юксак ирода ҳам керак. Машаққатлардан ўтиб, илм-маърифат чўққисини эгаллаганлар эса зиёли деган шарафли номга муяссар бўлади. Ана шундай инсонлардан бири Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Рустам Шодиевдир.

Олимнинг илмий изланишлари кўп қиррали. У аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш, халқаро иқтисодий муносабатлар, меҳнат ва молия тизимини ривожлантириш муаммолари бўйича юздан ортиқ мақолалар ва учта монография муаллифидир. Бу илмий изланишларнинг ўн саккизтаси чет элларда инглиз тилида чоп этилган. Шунингдек, шогирдлар тайёрлаш бобида ҳам самарали меҳнат қилиб, ўн саккизта фан номзоди, иккита фан доктори илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилди.

Рустам Шодиев Тошкент Давлат чет тиллар институти қошида БМТ маслаҳатчиси номзодларини тайёрлаш курсида ўқиб, инглиз тилини мукаммал ўзлаштирди ва шу ташкилот томонидан ишга таклиф қилинди. 1980-1982 ва 1984-1985 йилларда БМТнинг Сурия Молия вазирлигидаги лойиҳаларига раҳбарлик қилди.

1995 йил март ойида Жаҳон банки қошидаги Иқтисодий ривожланиш институтининг таклифига биноан Москва Давлат университетида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари семинарида ўз маърузалари билан иштирок этиб, ушбу ташкилотнинг бир қанча лойиҳаларида ҳам фаол қатнашди. Ҳозирги кунда Осиё ривожланиш банкининг Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳасида фаол қатнашмоқда. Яқинда, 1997 йилнинг ноябрь ойида Жанубий Корея Аджоу университети талабалари ва профессор-ўқитувчилари билан мулоқотда бўлиб, илмий ҳамкорликни давом эттириш режаларини тузди.

Олим ҳамиша илмий-тадқиқот ишларини педагогик фаолият билан биргаликда олиб бориб, ёшларга ўзининг кўп қиррали билими ва ҳаёт тажрибаларини ўргатиб келмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий-тадқиқот маркази бошлиғи сифатида ўзининг бор куч-ғайратини ёш авлоднинг таълим-тарбиясига қаратмоқда.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодиётини жаҳон талаблари даражасига етказиш учун хизмат қиладиган малакали кадрлар тайёрлаш бобида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган олимнинг самарали изланишларида улкан зафарлар ёр бўлсин деймиз.

Хадича МУҲИДДИНОВА,
филология фанлари номзоди

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Тўлқин ЭШБЕК, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида. А—2 форматида,28061 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 03

Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Умрбоқий қадриятлар

БОБУР АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

Ҳиндистонлик ёш аёллар ва қизлар ҳанузгача Бобур даврида Туркистонда кийилган кўйлак ва лозим киядилар. Туркистон ва Хуросон аёлларининг кийим-кечаклари бизда қўлёзмаларга ишланган мўъжаз расмлардан маълум.

Кўпчилик аёллар эса кўйлакнинг устидан пеш-бел камзул кийиб, юзларини юпқа мато билан беркитиб юрадилар. Эркаклар эса яктак-лозимга айнан ўхшаш оқ кийим киядилар.

* * *

Қовун, тарвуз, ҳандалак, бодринг, узум, анор, ошқовоқ, мош, нўхат... Бобурийлар даврида Туркистондан олиб борилган. Улар ўз номларини сақлаб қолганлар.

Ҳиндулар дастурхонида тайёрлаш усули бироз ўзгача бўлса-да, ўзбек халқининг «Тандир нон», «Шапати», «Сомса», «Кичири», «Палов», «Ҳолва», «Кабоб» каби таом ва нонлари бор.

* * *

Ҳиндистонда бугунги кунда ҳам саёҳатчиларга кўрсатиладиган энг ажойиб осори-атиқалар Тожмаҳал, Қизил форт, Масжиди жомеъ ва бошқа мақбаралар, миноралар Бобурийлар даврида ўзимиздан борган усталар иштирокида бунёд этилган.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади

Халқаро қўргазмалар

ЖАҲОН ТЕХНОЛОГИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги 1998 йил 26-30 май кунлари «Ўзэкспомарказ» РСКМида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш бўйича ихчам ускуна ва минитехнологиялар» халқаро кўргазмасини ўтказади.

Мазкур кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад -- давлат кредитлари ва халқаро ташкилотларнинг кредит йўналишларидан тўла ва самарали фойдаланиш ҳисобига республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам беришдан иборатдир.

Ушбу кўргазмада Германия, Исроил, Швейцария, Болгария, Италия, Польша, Венгрия, Япония, Хитой, Туркия, Россия, Белорусь, Ўзбекистон ҳамда бошқа бир қатор мамлакатларнинг етакчи фирма ва компаниялари ускуна ва технологияларини намойиш этадилар. Бу тадбирда корхона, ташкилот, вазирлик, муассаса, кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакилларига минизаводлар, жиҳозлар комплекти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи автоматик линиялар, кичик новвойхона, қандолатчилик цехлари, озиқ-овқат саноати учун жиҳозлар, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қурилмалари, ирригация техникаси, озуқа тайёрловчи турли технологик қурилмалар, кимё саноати учун техник қурилмалар билан танишиш имконияти берилади.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТОҒЛАРДАН САДО КЕЛАР

Юртим жамоли

Жарма қишлоғи Нурота туманидаги тоғли гўшалардан бири, халқи меҳнатсевар, лафзи ҳалол, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Бу қишлоқ илгари Зулмкориз деб аталган. Искандар Зулқарнайн Марказий Осиёга бостириб келган даврдаёқ экин экиш, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиш давом эттирилган. Бугун бутун қишлоқ аҳли учун бу афсона эмас.

Тоғ ёнбағирларидан баҳор ойларида Тентаксой тўлиб оқади. Бундан уддабурон деҳқонлар унумли фойдаланиб қолишади: Тентаксойни тўсиб, томорқаларига буриб юборишади. Роппа-роса юз ёшга кириб оламдан ўтган Элимбой бобо Қозоқов, аллақачон чин дунёга рихлат қилган Дўсмат бобо Назаров, Бобожон Норбеков, Муҳаммадқул Бозоров, Йўлдош Исмоилов, Мираш тоға, Чиннигул момолар Жарма қишлоғининг тарихи ҳақида тўлиб-тошиб гапирардилар.

Ҳозирда ўрни сақланиб қолган 64 та кориз бунга, қишлоқнинг кўҳна тарихига гувоҳлик бериб турибди. Жарма қишлоғининг шимолида «Олтмиш тўрт» деб номланувчи қишлоқ бор. Ана шу қишлоқ Зулмкоризнинг боошланғич нуқтаси ҳисобланади. Коризлар то азим Нуротага қадар давом этади.

Қазиш ишлари асосан кетмонда ва мол терисидан ишланган қовғалар ёрдамида бажарилган. Бу ишларнинг барчасида ерлик аҳоли жонбозлик кўрсатиб ишлаган. Ковланган коризқудуқлар бир-бирига «пушта» уриш усули билан ерга, ер устига ётқизилиб, деҳқончилик ва чорвачилик қилишда фойдаланилган. Албатта, қаҳратон қиш, жазирама ёз ўз таъсир кучини кўрсатмай қолмаган. Вақт — ҳакам. Даврлар ўтиб, коризлар кўмилиб, емирилиб, нураб туша бошлаган. Мен бу ҳолни ўз кўзим билан кўрганман. Оқаётган тип-тиниқ сув жуда ҳам ширин, тоза эди. Унинг чучук сувини бутун қишлоқ аҳли ичарди. Ариқ бўйларида ялпиз, отқулоқ, зубтурум каби инсон танасига даво бўлувчи табиий ўсимликлар ўсарди. Сал узоқроқда тўлқин отиб ўсиб ётган қамиш, ғумай каби ёввойи ўсимликлардан биз сибизиқ ва ҳуштак ясаб, қўшиқ айтардик. Хуллас, қишлоқ ҳаёти шунақа эди.

Ҳозирда бу коризлар ўрнини артезан қудуқлари эгаллаб олди. Қишлоғимиздаги Қори Ниёзий номли 26-ўрта мактабдаги тарихчи изтопарлар билан тез-тез ўтказилган учрашувлар хаёлимда бир умр муҳрланиб қолган. Бизга таълим-тарбия берган устозлар — Бекмурод ва Нурмурод Хўжамов, Ҳикмат Бобожонов, Ҳабибулло Мавтанов, Ҳаким Шавозов, Қамбар Йўлдошев, Нуриддин Мирашевлар берган сабоқлар бир умрга асқотадиган ҳақиқий сабоқлар эди.

Алоқа бўлими шундоқ мактаб ёнида жойлашган эди. Ҳар куни туманимиз маркази — Нуротадан келтириладиган газета-журналларни интизорлик билан кутардик.

Жанубда осмонга тегай деб турган Оқтов бағрида Занги бобо зиёратгоҳи борлиги элимиз аҳли мўминларига аён.

Шимолда Қоратов бағридаги қўралардан бирининг номи — Чамбил деб аталиши сирлидек туюлади.

Ҳали ўлкамизнинг ўрганилмаган, тадқиқотларга бой тарихий тилсимотлари очилса, не ажаб?! Ҳатто тоғлардан сас келаётгандек, осмонни тўлдириб турналар тизилади. Оқтовнинг энг баланд чўққиларида май, июнь ойларида ҳам оппоқ қор кўринади. Бир ёнда Бахилтоғ, бир ёнда АҚлтоғ бир-бирини кўз-кўз қилади.

У ерда ўрганилмаган синоатлар бир достон.

Намоз ҚАРШИЕВ

МИНИТЕХ'98

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлиги Сизни

«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича ихчам ускуна ва минитехнологиялар» халқаро кўргазмасига таклиф этади.

Кўргазма 1998 йил 26-30 май кунлари РСКМ «Ўзэкспомарказ»да бўлади.

Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107

Кўргазманинг ишлаш вақти:
сешанба 26 май 11.00 —18.00, чоршанба 27 май 10.00 — 18.00, пайшанба 28 май 10.00 — 18.00, жума 29 май 10.00 — 18.00, шанба 30 май 10.00 — 18.00 соатларда.